INV. № ...

MILLIY TIKLANISH

# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2008 йил 23 АПРЕЛЬ Чоршанба

17 (454)-сон

# ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 апрель куни расмий ташриф билан Қозоғистон Республикасига келди.

**ОСТОНА, 22 апрель (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).**

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи Остонадаги Оқўрда саройида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими билан бошланди. Юртбошимиз шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев шоҳсупага кўтарилдилар. Икки давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоевнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Президентлар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ислом Каримов ушбу ташриф ўзаро ҳамкорликка доир масалаларни, минтақавий хавфсизлик муаммоларини муҳокама қилиш учун яхши имконият эканлигини қайд этди. Ўзбекистон Қозоғистон билан ҳамкорлик алоқаларини юксак қадрлашини, Марказий Осиё минтақасидаги муҳим ва йирик шеригимиз бўлган ушбу мамлакат билан муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришини таъкидлади.

Нурсултон Назарбоев Ислом Каримовни Остонага расмий ташрифи билан самимий қутлар экан, бу борада Қозоғистон Ўзбекистон билан ҳамфикр эканини қайд этди.

Ўзбек ва қозоқ халқларининг алоқалари узоқ даврларга бориб тақалади. Адабий меросимиз, урф-одат ва қадриятларимиз – умумий, тарих ва маданиятимиз – муштарак, тил ва динимиз – битта. Аждодларнинг нодир ва боқий мероси бўлган азалий ришталар, маънавий яқинлик бугунги кунда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги алоқаларда яхши қўшничилик, дўстлик ва қардошлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойиллари устувор эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

2006 йил март ойида бўлиб ўтган Тошкент саммити чоғида Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев икки мамлакат Президентлари раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш борасидаги келишув ўз ифодасини топган Қўшма баёнотга имзо чекдилар. Бу ўзига хос орган Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларга доир долзарб масалаларни тезкорлик билан ҳал этишга кўмаклашмоқда.

Оқўрдадаги суҳбат чоғида Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилар эканлар, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг бу борадаги салоҳияти ҳали тўла ишга солинмаганини таъкидладилар. Олий даражадаги учрашувларнинг мунтазам ўтказиб турилиши ҳамкорликнинг янги қирраларини очиш, истиқбол режаларини кўриб чиқиш учун яхши имконият бериши, шу нуқтаи назардан, бугунги мулоқот муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Хавфсизликни таъминлаш борасида Президентлар ҳамфикрдирлар. Терроризм, экстремизм, наркобизнес, қурол-яроғ контрабандаси, оммавий қирғин қуроллари тарқалиши каби таҳдидларнинг олдини олишда, уларга қарши курашишда ҳамжиҳатликда иш юритиш зарур. Бу ўринда Ислом Каримовнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш ташаббуси минтақа давлатлари томонидан бир овоздан қўллаб-қувватлангани ва мазкур ғоя ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Қозоғистон икки ва кўп томонлама асосда ахборот хавфсизлиги, энергетик ва экологик хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Қишлоқ хўжалиги муҳим аҳамиятга эга соҳа эканини инобатга олиниб, зараркунандалар ва ўсимликлар касалликларига қарши биргаликда курашиш йўлга қўйилган.

Ислом Каримов минтақавий хавфсизлик масалаларига тўхталиб, таҳдидларни бартараф этишда, муайян сабабларга кўра, асосий масъулият Ўзбекистон ва Қозоғистон зиммасида эканини таъкидлади. Хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда Ўзбекистон доимо минтақамиздаги барча мамлакатлар, биринчи навбатда, Қозоғистон билан яқиндан ҳамкорлик тарафдори бўлиб келганини алоҳида қайд этди.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Афғонистонда тинчлик қарор топиши Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим омилидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, 1997-2001 йилларда БМТ шафеълигида фаолият кўрсатган "6+2" мулоқот гуруҳи доирасидаги музокара жараёнини тиклаш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, Ислом Каримов бу таклифни НАТО/СЕАПнинг яқинда бўлиб ўтган Бухарест саммитида ҳам баён қилиб, Шимолий Атлантика альянсини бу гуруҳ фаолиятида иштирок этишга чақирган эди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Қозоғистон билан халқаро ташкилотлар доирасида ҳам алоқаларни мустаҳкамлаш тарафдори эканини, мамлакатларимиз ўзининг минтақавий сиёсатини мувофиқлаштириши, бунинг учун ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувларни йўлга қўйиш муҳимлигини таъкидлади.

Президентлар мулоқоти Ўзбекистон ва Қозоғистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом этди. Унда асосий диққат-эътибор савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларда 1997 йилда имзоланган Эркин савдо тўғрисидаги битимга амал қилинади. Сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичи жадал ўсиб бормоқда. Хусусан, 2006 йилда 39,1 фоизлик ўсиш қайд этилган бўлса, 2007 йилда ўзаро савдо ҳажми 63,3 фоиз юксалиб, 1 миллиард 193,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Яъни, 2007 йилда мамлакатларимиз илк бор 1 миллиардлик довондан ошди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бунда Ўзбекистоннинг ижобий сальдоси 129,5 миллион АҚШ долларидан иборат.

Ислом Каримов савдо-иқтисодий алоқалар давлатлараро муносабатларнинг асосий таркибий қисмларидан, ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омилларидан эканини, Ўзбекистон ва Қозоғистон бу борада улкан имкониятларга эгалигини таъкидлаб, товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш учун экспорт-импорт маҳсулотлари номенклатурасини яна бир бор қайта кўриб чиқиш зарурлигини қайд этди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва Қозоғистон иқтисодий жиҳатдан бир-бирини тўлдиради. Масалан, Ўзбекистонда самолётлар, автомобиллар, автобуслар, юк ташиш машиналари, қишлоқ хўжалиги техникаси, кабеллар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади, пахта, пилла, мева ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Демак, савдо-сотиқ соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун улкан фаолият майдони мавжуд.

Табиий ресурслар ҳам ҳамкорлик учун яхши имкониятдир. Нефть ва газ узатишда илмий ва амалий ҳамкорлик қилиш икки томон учун ҳам бирдек манфаатлидир.

Икки мамлакатнинг транспорт коммуникациялари эса халқаро транзитдан келадиган даромадларни кўпайтириш имконини беради. Автомобиль ва темир йўлларимиздан бир-бирига боғланган ягона умумий тизим сифатида фойдаланишни такомиллаштириш, экспорт-импорт ва транзит юкларнинг эркин ва тезкор ҳаракати учун шароит яратиш борасидаги ишларни изчиллик билан мувофиқлаштирилган асосда давом эттириш мақсадга мувофиқдир. Ислом Каримов преференциялар беришни кўпайтиришни ҳам таклиф этди.

Мамлакатларимиз ўртасида 2006-2010 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик дастури ва 2007-2016 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегияси қабул қилинган. Мазкур ҳужжатлар савдо, сув-энергетика мажмуи, сармоя, молия, транспорт, коммуникациялар, божхона ва инновация борасида икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини ўзида мужассам этган. Уларни ҳаётга тўла татбиқ этиш орқали товар айирбошлаш кўрсаткичини бир неча ҳисса орттириш мумкин.

Иқтисодий ҳамкорлик кўламини кенгайтиришда қўшма корхоналар муҳим ўрин тутади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Қозоғистон сармоядорлари иштирокида тузилган 167 корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда Қозоғистоннинг 54 фирма ва компанияси, Қозоғистон Тараққиёт банки ўз ваколатхонасини очган. Қозоғистонда Ўзбекистон сармоядорлари билан ҳамкорликда тузилган 94 корхона бор.

Музокарада таъкидланганидек, бу кўрсаткичлар мамлакатларимизнинг иқтисодий имкониятлари ҳамда илмий-техникавий ва интеллектуал салоҳияти даражасида эмас. Ишбилармонлар, ишлаб чиқариш корхоналари, вилоятлар ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш зарур. Бунда савдо-саноат палаталари ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битимдан қулай ҳуқуқий асос сифатида янада кенг фойдаланиш керак.

2006 йилда Президентлар, ўзаро савдо ҳажмини 1 миллиард АҚШ долларидан ошириш имконияти мавжудлигини таъкидлаб, тегишли вазирлик ва идораларга шу кўрсаткичга эришиш тўғрисида топшириқ берган эдилар. 2007 йилда бу вазифа муваффақиятли уддаланди. Бу эса олий даражадаги стратегик келишувларнинг барчасини рўёбга чиқариш учун изчил амалий ҳаракатларга киришиш зарурлигининг, шунда кўзланган марралар муқаррар забт этилишининг далилидир.

Икки мамлакатнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва интеллектуал салоҳияти биргаликда юқори технологияли корхоналарни ташкил қилиш, юксак даражадаги қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун яхши замин бўлади. Маҳаллий хомашё мавжудлигини инобатга олиб айтиш мумкинки, айниқса, саноатнинг тўқимачилик, кимё, нефть кимёси каби соҳаларида қўшимча қийматни ошириш учун яхши ресурслар бор.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг илмий ва иқтисодий салоҳияти сув захираларидан унумли фойдаланиш борасида ҳам яхши имкониятлар очади. Мелиорация ва ирригация йўналишидаги алоқалар нечоғли муҳим эканлигини таъкидлашнинг ҳожати йўқ. Айни пайтда сувни тежаш технологияларини ишлаб чиқиш, ўзлаштириш, бу борада тажриба ва ахборот алмашиш ҳам долзарб масаладир. Бу билан қатор экологик ва ижтимоий муаммоларга барҳам бериш мумкин. Хусусан, Қозоғистон вакилларининг Орол муаммоларига бағишлаб Тошкентда ўтказилган халқаро конференцияда фаол иштирок этгани бу борадаги ҳамкорликни кенгайтириш учун ҳам имкониятлар мавжуд эканидан далолатдир.

Ислом Каримов мамлакатларимиз ҳудудларини сув билан таъминлаш борасидаги муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ўзаро келишилган сиёсат юритишни таклиф этди.

Маданий-гуманитар алоқалар ҳақида сўз юритганда, бу йўналишдаги ҳамкорлик илм-фан, таълим, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва спорт соҳаларини қамраганини таъкидлаш жоиз. Илмий муассасаларимиз ўртасида бевосита алоқалар ўрнатилган, ўқитувчи ва талабалар, илмий-услубий қўлланмалар алмашуви йўлга қўйилган. Жумладан, 2006 йилда Хоразм Маъмун академияси билан Қозоғистоннинг Р.Сулаймонов номидаги Шарқшунослик институти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, 2007 йилда Тошкент Архитектура-қурилиш институти билан Қозоғистон Архитектура-қурилиш институти ҳамда М.Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон Давлат институти ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган.

Ўзбекистон ва Қозоғистон вакиллари мамлакатларимизда ўтказиладиган турли маданий тадбирларда мунтазам қатнашиб келадилар. Хусусан, Қозоғистон санъаткорлари ҳар икки йилда Самарқандда ўтадиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг доимий ва энг фаол иштирокчиларидандир.

Театр жамоаларининг гастроллари уюштирилмоқда. 2006 йили Олмаотада ўтган Марказий Осиё мамлакатларининг биринчи театр фестивалида Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси, Чимкентда ташкил қилинган «Театр баҳори – 2007» халқаро фестивалида Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театри жамоаси, «Буран бел» халқаро раққослик фестивалида Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрининг «Сабо» ансамбли иштирок этди. Ҳамкорликда Ўзбекистонда ўтказилган маданий тадбирлар ҳам талай. 2007 йилда К.Қуанишбоев номидаги Қозоғистон мусиқали драма театри, М.Авезов номидаги Қозоғистон академик драма театри, Олмаота хореография билим юрти жамоаларининг гастроллари уюштирилди.

Музокарада 2006-2008 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури ижросининг бориши кўриб чиқилди. Бу йўналишдаги алоқаларни янада фаоллаштириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев музокаралар очиқ ва дўстона руҳда, ишчанлик кайфиятида ўтганини таъкидладилар. Остона саммити Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатлари изчил ривожланиш йўлидан бораётгани, икки мамлакатнинг ҳам ҳамкорликни янада тараққий эттиришдан манфаатдор эканидан далолат бўлгани қайд этилди.

Ислом Каримов сўнгги вақтларда айрим оммавий ахборот воситаларида Марказий Осиё мамлакатлари иттифоқини тузиш тўғрисидаги хабарлар пайдо бўлаётганига муносабат билдириб, жумладан, бундай деди:

— Бу масалага ҳар бир мамлакат ўз миллий манфаатларидан, халқининг хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда муносабат билдиради. Ўзбекистон учун ушбу ташаббус мақбул эмас. Мен буни яна бир бор қатъий таъкидлайман. Давлатлар орасида, айниқса, эски тузумдан чиққан мамлакатлар, бу ўринда, Марказий Осиё республикалари орасида иттифоқ тузиш учун, биринчидан, уларнинг салоҳияти, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт даражаси мос келиши керак, иккинчидан, иқтисодий ва сиёсий ривожланиш ҳамда ислоҳотларни амалга ошириш борасида тутган йўли бир-бирига ҳамоҳанг бўлиши лозим. Шу жиҳатдан олиб қараганда, минтақамиз давлатлари орасида бундай иттифоқ тузиш тўғрисида гапиришнинг ўзига ҳали вақт бор, деб ўйлайман. Аслида биз шу мақсадда анча аввал иш бошлаган эдик. Аввалига Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти, кейин унинг негизида "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилоти тузилди. Сўнгра бу тузилма Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти билан бирлашди.

Мамлакатимиз раҳбари ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш учун эркин савдо зонаси тўғрисидаги ҳужжатни ишлаб чиқадиган махсус ишчи гуруҳ тузишга келишиб олинганини қайд этди.

Нурсултон Назарбоев музокаралар чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалалари, минтақавий хавфсизлик муаммолари юзасидан атрофлича фикр алмашилганини таъкидлади.

— Ўзбекистон томонининг таклифи билан эркин савдо зонаси тўғрисидаги ҳужжат ишлаб чиқиш учун махсус ишчи гуруҳ тузилиши ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги яна бир қадамдир, — деди Қозоғистон Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қозоғистон Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.



Жамила Шожалилова етти йилдан бери «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг соғлиқни сақлаш хизматига қарашли Тошкентдаги марказий шифохонанинг жонлантириш бўлимида ҳамшира бўлиб ишлайди. У ўзининг хушмуомалалиги, касбини яхши билиши билан жамоада ҳурмат топган. Беморларга намунали хизмат кўрсатиб, доимо улардан "раҳмат" эшитади.

Жамила эл соғлиғини сақлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишни ният қилган. Шу боисдан бўлса керак, бу ерга шифо истаб келганларни даволашда бор билими, малакасини ишга солади, уларни ҳамиша очиқ чеҳра билан қарши олади. Иқтидорли ҳамширадан беморлар ҳам, шифокорлар ҳам бирдек хурсанд.

**Суратда:** ҳамшира Жамила Шожалилова.

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.**

**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.**

# НОГИРОНЛАР ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛ ҚИСМИ

***бўлиши учун қонунчилигимизга ўзгартишлар киритилмоқда***

Унда фракция аъзолари, партия Марказий кенгаши девони ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Йиғилишни парламент қуйи палатаси Спикери ўринбосари, партия фракцияси раҳбари Хуршид Дўстмуҳамедов олиб борди.

### Фракция йиғилиши

Тадбирда ялпи мажлис муҳокамасига киритилиши кўзда тутилган бир қатор қонун лойиҳалари депутатлар ҳукмига ҳавола этилди. Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Бахтиёр Ёқубов «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси (иккинчи ўқиш) ҳақида ахборот берди. Илгари мазкур қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қўмиталари ва ялпи йиғилишида муҳокама этилган эди. Ишчи гуруҳи томонидан тушган фикр-мулоҳазалар ва таклифлардан кейин у иккинчи ўқишга тайёрланди. Ҳозир қонун лойиҳаси қайтадан ишлаб чиқилди. Бу тўғрисида фракция аъзоси Шарифа Салимова батафсил маълумот бериб, лойиҳадаги айрим бандлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ҳамда уни концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлашини билдирди.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Илҳом Насриев «Ўзбекистон Республикасининг «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиришлар киритиш» ҳақида ахборот берди.

Таъкидландики, ногиронлар жамиятимизнинг фаол қисми бўлиши учун ҳукуматимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратилиб, етарли миқдорда маблағ ажратилмоқда. Лекин ногиронларга янада қулайликлар яратиш мақсадида давр ушбу қонунни қайтадан кўриб чиқишни ва такомиллаштиришни тақозо этяпти. Шу боис ушбу масала кун тартибига қўйилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича фракция аъзолари Шарифа Салимова, Абдуғафур Маматов ва Олимжон Ўсаровлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ЎЗБЕК ОЛИМИ ХИЗМАТИ ЭЪТИРОФИ



***Қаландар Абдураҳмонов катта илмий салоҳиятга эга олим, истеъдодли ташкилотчи, янгича тафаккур юритадиган раҳбар сифатида эл назарига тушган. Катта амалий тажрибага эга бўлган билим соҳиби, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Қаландар Абдураҳмонов 1995 йилдан Г. В. Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академияси Тошкент шаҳридаги Ўқув-илмий марказига раҳбарлик қилди.***

2001 йилдан марказ филиалга айлантирилди. Филиал ташкил этилган дастлабки кунларданоқ у Россия-Ўзбекистон муносабатларининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб борди. Айтиш лозимки, Тошкент шаҳрида Россия ва Ўзбекистоннинг малакали иқтисодчилар тайёрлаш борасидаги таълим стандартларини бирлаштирган олий таълим муассасасининг фаолият юритаётгани муҳим аҳамиятга эгадир.

Иқтисод фанлари доктори, профессор, академик

### Хушхабар

Қаландар Абдураҳмонов кўпгина халқаро симпозиумлар, конгрессларда Ўзбекистоннинг муносиб вакили сифатида қатнашиб келмоқда ва ўзининг кенг илмий мушоҳадаларини намоён этиб, ҳозирги мамлакатимиз иқтисодий фани ва ҳаётининг энг муҳим йўналишларига оид ғоя ва қарашларини билдирмоқда. Юртимизнинг иқтисодий ривожланиши, унинг жаҳон интеграциясига қўшган ҳиссаси хусусида маърузалар ўқимоқда.

Яқинда олим ҳаётида яна бир унутилмас воқеа содир бўлди. Россия Федерацияси Президенти В. Путиннинг фар-

Давоми 2-бетда

Газетамизга «Ўзбекистон почтаси» АЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида обуна давом этаётганлигини эслатиб ўтамиз.

***Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ давлат олдида макроиқтисодий барқарорликка эришиш, иқтисодиётнинг чуқур таркибий ўзгаришларини амалга ошириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялаш масалалари турарди.***

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ: ИЖТИМОИЙ ХАРАЖАТЛАРНИНГ ЎРНИ

Буларнинг барчаси молия, бюджет сиёсати ўзгаришларини ҳамда харажатлари йўналишларини белгилади. Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида бюджетнинг ижтимоий йўналтирилган харажатларини таъминлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, кенг кўламли ижтимоий дастурларни маблағ билан таъминлаш ва унинг янги манбалари билан оқилона уйғунлаштириб боришни тақозо этади.

Фуқароларнинг ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқлари асосий қонунимиз бўлган Конституциямизнинг 39-моддасида ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга, пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас, деб қайд этилади. 40-моддада ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига, 41-моддада ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга, дейилган. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади, мактаб ишлари давлат назоратидадир, деб белгилаб қўйилган.

Ижтимоий ёрдам тизимини ҳуқуқий асосда барпо этиш ва бу борадаги қонунларнинг ижро этилишини молиявий таъминлаш бозор иқтисодиёти шароитида муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Давлатнинг ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган харажатлари жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга ёрдам беради. Мамлакатимиз Президенти "Биздан озод ва обод Ватан қолсин" китобида "Молиявий аҳвол қанчалик мураккаб бўлмасин, таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳасини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун зарур маблағ қидириб топилиши шарт", — деб ёзганлиги бежиз эмас.

Агар ўтган йилларда ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларни таҳлил этадиган бўлсак, уларнинг ўсиб бораётганлигини кўриш мумкин. Улар орасида маориф ва соғлиқни сақлаш соҳаси алоҳида ўринга эга.

Ҳукуматимизнинг айнан маориф соҳасига алоҳида эътибор бериши бежиз эмас. Бунда мамлакатимиздаги демографик вазият ҳисобга олинади, аҳоли сони ўсишининг юқори суръатлари ва аҳоли таркибидаги ёшларнинг катта улушни ташкил этиши бюджетдан ижтимоий соҳаларга маблағлар сарфлаш кўрсаткичига таъсир қилади. Шу муносабат билан давлатимиз ҳар йили таълим эҳтиёжлари учун таълимнинг устуворлигини таъминлайдиган миқдорда маблағ ажратилишини кафолатлайди.

**Шерзод НОМОЗОВ.**

***Ўзбекистон Футбол федерацияси томонидан "Насаф" (Қарши) профессионал футбол клуби номига 2007 йилда берилган № 004914-сонли фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун рухсат лицензияси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.***

# МЕҲР ТОЛАСИДА ЭШИЛГАН БАЙТЛАР

***Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева ижодига назар***

***— Шоир шеър ёзяпти, — деганди бир деҳқон танишим, — дейлик, илҳоми келмай қолди. Шунда нима қилади?***

***— Ёзишни тўхтатади, — қатъий жавоб бердим мен.***

***— Ёзишни тўхтатиш сўнгги чора, — кулди у, — ўрнидан туриб би-ир айланиб келади. Кейин ижодини яна давом эттириши мумкин. Ёки яна ҳам яхшироқ нимадир ёзади.***

***Сиз шоирсиз, дедим. У кулди. Кулгисида кўп гаплар яширингандай кўринди. Тушунчаси билан умри далада ўтган деҳқонга ўхшамади. Чунки у билибми-билмайми, ижодкордаги нохос дилда туғилган туйғуни эшиб юборадиган омиллар ҳақида гапирганди.***

Таниқли шоира Ойдин Ҳожиева билан «Гулхан» журналида бирга ишлардик. Опа кутилмаганда хонасидан чиқиб, йўлакнинг бир чеккасида хаёл суриб қоларди. Ёки ишхона ҳовлисини айланарди. Бу ҳолатнинг сабабини кейинроқ, тўғрироғи, шеърларини тушунганимдан сўнг англадим: шоира туғилаётган мисраларни пишитиш учун руҳий ҳолатини ўзгартиришга эҳтиёж сезаркан. Ойдин Ҳожиева бундай пайтда келаётган туйғуни, бир лаҳзалик бўлсин, хотиржамлик ва руҳий ҳолатда қарши олади. Шоира шеърлари кўнгилда ёзилганидан сўнг қоғозга тушажагини унинг чексиз самимияти ва ўзига хос бадиияти намоён этиб турибди.

Шоирлардаги шеърий шаклларга «сакраб» юришни қобилиятининг серқирралигигига йўйишга одатланганмиз. Тўғри, истеъдодли шоир қайси жанрга қўл урмасин, ўзлигини кўрсата олади. Бироқ ғазал, рубоий каби мураккаб жанрларга ўзларини уриб, умр бўйи кимларнидир такрорлаб ўтаётганлар ҳам бор.

**Нигоҳ**

Шеъриятда мумтоз шоирларни такрорлаш унчалик аянчли эмасдир. Лекин улар ҳикматини жўнлаштиришни кечириб бўлмайди. Қолаверса, «тили чиққан» жанрда маҳоратни ошириш — инсоннинг ўзи қурган иморатда эркин яшашидай гап. Ўзганинг уйида яшашингга тўғри келса, ундаги тартиб-қоидаларга амал қилишга мажбурсан. Ойдин Ҳожиева ижодида ғазал, рубоий, тўртликлар жуда кам. Аксарият шеърлари бармоқ вазнида ёзилган. Аммо уларда ғазал жанридаги оҳангдорлик, рубоий ва тўртликлардаги ихчам сатрларда кенг фикрлаш, халқ оғзаки ижодиётидаги равонлик шундоққина акс этади. Навоий, Нодирабегим, Увайсий ва Бедил ижодидан яхши хабардор эканлиги кўриниб туради.

Ойдин Ҳожиева «Саодат» журналидаги иш фаолияти давомида турфа тақдирли аёллар билан суҳбатлашади. Уларнинг дарду армонларини қалбан ҳис қилади. Шеърларида бу каби ҳолатларни куюнчаклик билан ифодалайди.

Юртимиздаги ижобий ўзгаришларни изоҳлашнинг ҳожати йўқ. Жумладан, ўтказилаётган байрамларнинг ҳам руҳи ўзгарди. Бугун байрам — тинч-хотиржам кунларнинг тантанаси. Улар ўтказилмайди — бўлиб ўтади. Айниқса, Наврўз кўтаринки шукуҳ билан кириб келади. Элнинг бундаги ҳаяжони шоира кўнглида шундай акс-садо беради: «*Байрамингга жоним қўшаман*».

Орол муаммолари ҳақида матбуотда жуда кўп чиқишлар бўлди. Замирида катта инсоний фожиа ётган бундай мавзуда Ойдин опадек куюнчак шоиранинг шеър битмаслиги мумкин эмасди.

**Дарёлар адашди юрар йўлидан,**
**Ёмғирлар адашди, қорлар адашди.**
**Ўрдак билан ғози учди кўлидан,**
**Тақдири чалкашиб ёри адашди.**

Бир қарашда сўнгги жумла мантиқан боғланмагандай кўринади. Бироқ табиатдаги мутаносибликнинг бузилиши инсон тақдирига таъсир қилмай қолмаслигини ҳис этсангиз, мазкур мисра бошқа сатрларнинг жонидай таассурот уйғотади.

Нима учун овози ҳам куйга айланган ҳофизларнинг умри боқий? Соз чалувчилар кўп, нега ҳақиқий созандалар саноқли? Чунки ҳаётнинг қайғу ва шодлигини қалбидан ўтказа оладиганларгина чинакам машшоқлардир. Куй — ҳисларингиз орқали эшитилади. Инжа куйни тушунишнинг ўзи энг онгли тингловчиликдир. Куйнинг илдизи табиатдалигини англамоқ ўзингни, қалбингни танимоқдир. Шоира шаҳар шовқинидан бир лаҳзанинг ўзида болалиги кечган сокин қишлоғига руҳан уча олади. Гўё унинг бир қаноти соҳира туйғу, бир қаноти эса табиий оҳангдир:

**Созанда дил сатҳи тут каби ўйиқ,**
**Унингдай ҳасратли дутор қайдадир?!**

Ҳар қандай шоирнинг ижодида ўзи туғилиб ўсган жой кишиларининг тили учида турган, аслида унутилаёзган сўзларга дуч келасиз. Бухороликларнинг ўзига хос сўзлаш йўсини Ойдин опа шеъриятида Ватанга муҳаббат тимсолида келади. Бу — шоирага юртини қуруқ даъватлар билан эмас, фақат туйғулар орқали мадҳ этиш имкониятини беради. Буни «Алла» шеърида «*Тил учимда ҳалвойитар берайин*», «Ватанга муҳаббат изҳори» шеърида «*Шаҳдим бор — қуввати биринж бўлоли, Яхши-ёмон кунда илинж бўлоли*», каби мисраларда кузатиш мумкин.

Изласангиз, ҳар бир шоирдан бутун бошли ижодига умумий сарлавҳа бўладиган мисралар топа оласиз. Бундай умумлашма сатрлар Ойдин Ҳожиеванинг деярли ҳар бир шеърида мавжуд.

**Бу дунёда топган ҳаловатларим,**
***Меҳрим толасида эшилган байтлар.***

**Илҳом АҲРОР.**

***Ўз илми ва иқтидорини намоён этиб жамият тараққиётига ҳисса қўшаётган юртимиз қизлари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Уларнинг хулқ-одоби ҳам гўзал, қалбларидаги орзу-ўйлари ундан-да гўзал!***

# ҚИЗ ҚАЛБИ ГУЛДАН ГЎЗАЛ

Хўш, қизларимиз бу кун қандай эзгу мақсадлар билан яшашмоқда? Улар мамлакат келажагини қай тарзда тасаввур қилишади? Замонавий касб-ҳунарларни эгаллашга бўлган қизиқишлари кучлимикин? Мустақил ҳаётга тайёргарлиги қай даражада?

**Тадбир**

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги Ўқувчилар ижодиёт маркази, «Гулистон» маҳалла хотин-қизлар қўмитаси, туман «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва 241-умумтаълим ўрта мактабининг Маънавият ва маърифат тарғибот маркази ҳамкорлигида ўтказилган «Қиз қалби гулдан гўзал» мавзуидаги учрашувда худди шундай масалаларга эътибор қаратилди. Ушбу тадбир 241-умумтаълим ўрта мактабида бўлиб ўтди.



— Бу тадбир айни Ёшлар йилида ўтказилаётгани учун янада муҳим аҳамият касб этади, — дейди мактабнинг тарих ва ҳуқуқ фани ўқитувчиси Робия Раҳматуллаева. — Негаки, бу йил балоғат ёшига қадам қўяётган қизлар ҳаётида ижобий бурилишлар ясаши табиий.

Қизиқарли савол-жавоб ва мазмунли суҳбат тарзида ўтган бу учрашувда туман «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг сардор қизлари, 241-мактабнинг «Бинафша» гуруҳи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Азиза Бегматова қатнашди.

— Қизларимизни турмушга тайёрлаш ва уларнинг турли касб-ҳунарларга қизиқишини ошириш мақсадида фаолларимиз билан кенг қамровли ишлар олиб бораяпмиз, — дейди «Гулистон» маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси Манзура Мадраҳимова. — Маҳалламизда қизлар ҳунар ўрганиши мумкин бўлган кўплаб қисқа курслар фаолият кўрсатади.

Тадбир сўнгида «Бинафша» гуруҳи қизлари мактаб саҳнасида «Келинсалом» театрлаштирилган томошани намойиш қилдилар ва куй-қўшиқлар ижро этишди.

**Ширмонхон АСРОНОВА.**

# ФИЛ ЖАНГИ

***Маълумки, Амир Темур Ҳиндистонни забт этиш учун узоқ вақт ҳозирлик кўрди. Жанг беомон бўлишини соҳибқирон биларди. Хусусан, уни ҳиндуларнинг муҳораба учун қасддан ўргатилган жанговор филлари кўп ўйлантирарди. Қотма, қорамағиз, чайир ҳинд аскарлари учун филлар қудратли қурол эди. Асли ювош ва меҳнаткаш бу жониворлар махсус тайёргарликдан сўнг девдек кутуриб кетар, уларнинг совут қопланган бақувват таналарига на камон ўқи-ю на чопқич кор қиларди.***

Соҳибқирон шуларни ўйлаб, чодирида хаёл суриб ўтирарди. Изн сўраб, баҳодир саркардаларидан бири кирди. У ўртароққа бориб юкинди.

— Онҳазрат, ботир лашкарингиз ёғий устига ҳамла этмакка тайёр. Жанобимизнинг бир оғиз амрларига мунтазирдирлар.

Амир Темур саркардани имлаб ёнига чорлади:

— Лашкаргоҳга етказингки, яроғларини шай қилиб, бизнинг фармонимизни кутсинлар.

Саркарда бош эгди ва тисарилиб чиқиб кетди. Амир Темур ёлғиз қолиб, тағин ўйга толди. Ва ниҳоят, ўнг тарафига қўл чўзиб заррин муқовали Қуръони каримни олди. «Ё Раббим!» — дея бир варақни очди. «Оллоҳ суйган бандаларининг мушкулини осон қилгай», — маъносида бир оят юз кўрсатди. Соҳибқирон оятни пичирлаб қайта ўқир экан, Яратганга ҳамду санолар айтди.

Ўша куни тушида оқ туя кўрди. Оқ либосли, оқ соқолли бир қария туя етаклаб келиб, бурундуқни Амир Темурга тутқазди. «Бу сенинг халоскорингдир!» — деди у. Соҳибқирон қариянинг Хизр алайҳиссалом эканлигини англаб, Тангрига шукрона келтирди.

Бирдан кўнгли ёришди. Фикри тиниқлашди. Ғойибдан бир овоз эшитилгандек бўлди: «Одамхўр филларга саксовул ортилган туялар бас келгай. Лак-лак туя ғамлагин! Жангни кечаси бошла... ўт қала...»

Темур ўткир заковати ила фаҳмлаб етди. Дарҳол қўшинбошиларини чорлади. Қароргоҳ атрофини маълум қилди. Минглаб суворийлар Қорақум билан Қизилқумга туя подаларини ҳайдаб келгани жўнади.

Бир-икки ҳафта ичида лашкаргоҳ атрофига минглаб нортуялар йиғиб келинди. Ҳар туянинг устига катта сандиқдай қилиб қуруқ саксовул ортилган эди. Аввалдан келишилган режага кўра, Темурбек қўшинлари бир-икки кун ҳиндлар билан номига жангга кирдилар. Турк аскарларининг шижоати йўқлигини кўриб, ҳиндлар кибрга берилди.

**Соҳибқирон ҳаётидан ҳикоят**

Соҳибқирон вазият етилганини билди ва жанг бошлашга фармон берди. Намозишомни адо этиб, барча юзига фотиҳа тортди. Дабллар, ноғоралар садоси остида душман тарафга от қўйдилар. Жанг етти хуфтонгача давом этди. Темур аскарларининг қўли баланд келаётганини кўрган ҳинд қўмондони жанговор филларини ишга солди. Том баравар келадиган юзлаб филлар наъра тортиб Темурбек лашкари томон ташланди. Жанг олдидан аллақандай дори ичирилган баҳайбат махлуқлар Темурбек қўшинининг илғор қисмидаги анча-мунча одамнинг бошига етди.

Соҳибқирон сарбонларга: «Туяларни жанг майдонига ҳайданг!» — дея амр қилди. Оловбардорлар меш-меш ер мойи (нефть) келтириб, туялар устидаги саксовулларга сепдилар ва дарҳол ўт қўйдилар. Ҳаш-паш дегунча юзлаб, минглаб туялар ўркачидан олов пуркаб уруш майдонига қараб лўкиллади. Шу пайт мўъжиза рўй берди. Балоқазодай туркий лашкар устига бостириб келаётган филлар таққа тўхтади. Сўнгра рўпарасида лопиллаб турган машъалаларни кўриб, ортларига тисарилди. Гумбаздай-гумбаздай олов хирмонлари тобора филларга яқинлаб келар, туялар устидан тўрт тарафга отилаётган гулхан парчалари наинки жанговор филларнинг, ҳатто ҳинд аскарларининг ҳам ўтакасини ёрарди.

Ўркачларига олов-аланга ортмоқлаган туялар адади зиёда бўлиб, бир неча мингга етганда филлар хартумларини кўкка чўзиб даҳшатли ўкирди ва... чўрт бурилиб, орқага қараб қочдилар. Энди ҳиндулар ўзлари жангга ўргатган филларининг товони остида аёвсиз эзилиб, майиб-мажруҳ бўлар, аксарияти бу дунё билан видолашар эди...

Тонгга яқин соҳибқирон жангни тўхтатди. Ҳиндлар мағлуб бўлган эди. Хотима ўрнида шуни айтиш мумкинки, буюк жаҳонгирнинг бу кашфиёти XX аср жанггоҳларида ҳам қўл келди — Оврупо ва Русия ҳарбийлари Темур бобонинг мазкур тадбирини замонавий куролларга мослаб ишлатдилар.

**Саъдулла СИЁЕВ.**

# УНИВЕРСИТЕТДА ФАН ҲАФТАЛИГИ

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази билан ҳамкорликда фан ҳафталиги бўлиб ўтди.

Ҳафталик доирасида «Фан ва техника тараққиётида ёшларнинг ўрни» мавзуида иқтидорли талабаларнинг анъанавий республика илмий-амалий анжумани ҳам ўтказилди. Унда иқтидорли талабаларнинг фундаментал фанлар, рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар, электроника, автоматика ва ахборот технологиялари, механика-машинасозлик, энергетика ва энергия тежамкорлик, нефть ва газ, саноат экологияси, геология ва кончилик иши, ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва менежменти, ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишлари бўйича 500 дан ортиқ илмий-тадқиқот ишлари тақдим этилди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**




## Нефть қазиб чиқариш кўпаймайди

***Нефть ишлаб чиқарувчи мамлакатлар — ОПЕКнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, нефть нархи ўсишда давом этмоқда. АҚШдаги сўнгги савдолар чоғида бир баррель нефтнинг нархи 117 долларни ташкил этди.***

Италия пойтахти Римда бўлиб ўтган ОПЕК ва истеъмолчилар иштирокида ўтказилган конференцияда "қора олтин" қазиб олишни кўпайтириш масаласи муҳокама қилинди. ОПЕК вакилларининг таъкидлашича, нефть қазиб олиш режа асосида олиб борилаяпти. Лекин негадир унга талаб ошиб бормоқда. Айниқса АҚШ, Хитой ва Японияда керагидан ортиқ нефть истеъмол қилинаяпти. Биргина Америка Қўшма Штатларида бир кунда 20 миллион баррель нефть ишлатилаяпти. Бу Саудия Арабистони ва Россияда бир кунда қазиб олинаётган нефть миқдорига тенгдир. Конференция қатнашчилари нефть қазиб олишни кўпайтирмасликка қарор қилишди.

## Уруш фахрийлари талаби

***АҚШда Ироқ ва Афғонистондаги урушларда иштирок этган фахрийлар ҳукуматнинг Фахрийлар иши бўйича департаментини судга берди.***

Уларнинг таъкидлашича, департамент фахрийлар ўртасида ўзини ўзи ўлдириш муаммосига қарши самарали кураш олиб бормаяпти.

Даъвода айтилишича, 20 фоиз фахрий депрессия ва жароҳатдан кейинги синдром касаллигига гирифтор бўлишган. Натижада 2006 йилда 99 нафар собиқ жангчи ўзини ўзи ўлдирди.

Ҳозирда АҚШда 17 минг нафар Ироқ ва Афғонистондаги уруш фахрийлари бор.



## Самолёт уриб туширилди




***Абхазияда Грузия куролли кучларига қарашли учувчисиз самолёт уриб туширилди. Кеча Грузия телевидениеси ушбу лавҳани намойиш этди. Абхазия томони бу можарода расмий Тбилисини айблади.***

Грузия президенти Саакашвили эса Россия бу масалада айбдор эканлигини таъкидлади. Унинг айтишича, самолёт Россиянинг МиГ-29 самолёти томонидан уриб туширилган.

Бугун БМТ Хавфсизлик Кенгашида ушбу масала муҳокама қилинади. ХК йиғилиши Грузия томонининг талаби билан чақирилди.

## Қарздан воз кечиладими?

Ироқ ҳукумати Форс кўрфазидаги давлатлардан қарзларидан воз кечишини сўради. Бу ҳақда Ироқ ташқи ишлар вазири Забари Ҳошиёр сўзларига асосланиб, "Reuters" хабар тарқатди.

Ироқнинг бугунги қарзи 56-80 миллиард долларни ташкил этади. Бу қарзнинг тенг ярми Форс кўрфази мамлакатларига тўғри келади. Эслатиб ўтамиз, бундан сал олдин Париж клуби аъзолари Ироқнинг 66,5 миллиард доллар қарзидан воз кечган эди.

**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши 1 дона компьютер жамламаси ва принтер харид қилиш учун тендер эълон қилади. Мурожаат учун телефонлар: 244-81-28, 244-83-05. Факс: 244-69-92. E-mail: uzmtdpmk@mail.ru**

ООО "MELTEKS" зарегистрированное Хамзинским хокимиятом г. Ташкента по адресу ул. Хасанова 2 ликвидируется на основании протокола №3 собрании учредителей от 21.04.08 г. ИНН 204350729. Претензии принимаются в течении двух месяцев по тел: 185-59-50.

Утерянный гос. ордер № 10-01/2856 от дата 23.01.93. права собственности на квартиру на имя Максутов Энвер считать не действительным.

"O'ZMATLUBOTSAVDO" Юнус-Абадского района ликвидируется и сливается с организацией "O'ZBEKQISHLOQSAVDO" Юнус-Абадского района на основании распоряжения АК «Узбекбирлашув» от 11.10.2006 г. и приказа от 17.03.2008 г. "O'ZBEKQISHLOQSAVDO".

Утерянный план дома (реестр № 4-854) на имя Махмудходжаева Абдуллы Тураходжаевича по адресу (земельного участка № 90) Учтепинский район махалли «Шарк гули» ул. 3 проезд Хондамир д. 24 считать недействительным.

В связи с тем, что ДП «Юнайтед Корпарейшн» Мирзо Улугбекским района снижает свой уставной фонд с 800000 долларов США на сумму 54317.28 долл. США, просим всех заинтересованных лиц обращаться по адресу Шахрисабзская 30 А. Тел: 233-01-96.

ЧФ "TIBUL", зарегистрированный в Мирабадском районе 14-февраля 1998 г. Ташкента, реорганизуются на ООО "TIBUL". Претензии принимаются по тел: 292-94-75 моб.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 21.04.2008 йил 11-0806/4760(19)-сонли ишга асосан хусусий тадбиркор "Хасанов Қобил Солиевич"нинг банкрот деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси иш юритиш учун қабул қилинди. Кредиторларнинг биринчи йиғилиши 01.05.2008 йил соат 12:00 ва сайёр суд мажлиси 02.05.2008 йил соат 11:00 да Зангиота тумани Давлат солиқ инспекцияси биносида бўлиб ўтади. Мурожаат учун Зангиота тумани Назарбек Қ.Ф.Й. Бирлик кўча, 62-уй.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимлиги томонидан хусусий тадбиркор "Никулин" номига 18.05.2007 йилда берилган №0803426 сонли патент йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

*Муассис:* «Миллий тикланиш» демократик партияси

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ — ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА — MILLIY TIKLANISH

Бош муҳаррир Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 233-67-51. Бўлимлар — 236-58-73.
*E-mail: milliy-tiklanish@mail.ru*

Манзилимиз: *Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй*

Ⓡ - *Тижорат материали*

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Босишга топшириш вақти 22.00

*Нашр кўрсаткичи — 158*

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 323.
Ҳажми 2 босма табоқ.
*Адади 2848*
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй